



“O‘ZBEK FILOLOGIYASINING DOLZARB MASALALARI VA UNI O‘QITISH METODIKASI MUAMMOLARI”

Mavzusidagi II an'anavliy ilmiy - amaliy
xalqaro anjuman materialari

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI OLİY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
ABDULLA QODIRİY NOMİDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSİTETI

O'ZBEK TİLİ VA ADABIYOTI FAKULTETI
O'ZBEK TİLİ VA ADABIYOTI KAFEDRASI

***"O'ZBEK FILOLOGIYASINING DOLZARB
MASALALARI VA UNI O'QITISH
METODIKASI MUAMMOLARI"***
mavzusidagi II an'anaviy ilmiy – amaliy

**XALQARO ANJUMAN
MATERİALLARI
1-KİTOB**
(13-dekabr 2023-yil)



JIZZAX-2023

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Архивдан. Ўз-ўзимга сабоқларимдан бир шингил. 1988, 29 март
2. Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики. М.: Тривола, 2000.-248 с.; Erikson E.H. Life History and Historical Moment. N.Y., 1975.; Кольцова В.А., Холондович Е.Н. Воплощение духовности в личности и творчестве Ф.М. Достоевского. М.: Изд-во «Института психологии РАН», 2013. – 304 с.; Холондович Е.Н. Социально-психологические аспекты формирования и развития гениальной личности. Психология одаренности и творчества: монография / Под ред. проф. Л.И. Ларионовой, проф. А.И. Савенкова. М.; СПб.; Изд-во....: Нестор-История, 2017.; Холондович Е.Н. Феномен духовности гениев. Наука. Культура. Общество. М.:ИПСИ РАН. № 2. 2016.
3. Орипов А. Тангланган асарлар.1 жилд. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –Б.14

“ИЛОҲИЙ ИШҚ ЖОЗИБАСИ” (Олим суратига чизгилар)

*Ахмедова Шоира Нематовна,
БухДУ профессори, ф.ф.доктори*

Адабий танқидчиликда ижодий портрет, портрет - мақола, портретга чизгилар, ...қиёфасига чизгилар, ...суратига чизгилар номи остида нашр этилаётган асарлар танқидчиликнинг адабий портрет жанрига хамиртуруш бўлиб хизмат қиласи. Кейинчалик мана шу сирадаги асарлар адабий танқиднинг адабий портрет деб аталган йирик жанри яратилишига асос бўла олади. Н.Комиловга бағишлиган кичик ҳажмдаги (78 бет) бу асар олимнинг ҳаёти ва ижоди, барча асарлари таҳлил ва талқин қилинган адабий портретга айланиши мумкин эди. Афсуски, навоийшунос олимнинг бевақт вафоти бунга монелик қилди.

Зукко адабиётшунос олим, йирик навоийшунос Раҳимжон Воҳидовнинг тасаввуф илмининг билимдони Нажмиддин Комиловга аталган, “навоийшунослик, таржима тарихи ва назарияси, Шарқ фалсафаси қутблари, тасаввуф илми, мутасаввуф донишманларнинг форсий тилдаги асарларини ўзбекчалаштириш соҳасида жиддий қадамлар” кўйган профессор Н.Комиловнинг суратига чизгилари “Илоҳий ИШҚ жозибаси” деб номланган.

Н.Комиловдек йирик тасаввуфшунос, адабиёт илмида ўз ўрнига, ўз услубига эга олим ҳақида тарихий-биографий йўналишда адабий портрет, эссе ёки танқидий-биографик очерклар яратиш муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз. Негаки, “комил инсонлар ҳаётини ўрганиш инсоннинг ўзини ҳам, Аллоҳни ҳам таниш ва билишнинг калитидир”. Нажмиддин Комилнинг кейинги йиллардаги муҳаққиқлик фаолияти (умуман олганда барча фаолияти. Таъкид бизники. Ш.А.) юқоридаги журмла мазмунини юзага чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Олим илмда ҳам, шахсий

ҳаётида ҳам ўша ҳақиқатни – Аллоҳни ва ўзлигини танишга интилиб келган”[3,71]лигини унинг дўсти, ҳаммаслаги, профессор Р.Воҳидов биографик методга асосланган рисоласида ҳар томонлама ёритишга интилган.

Тарихий-биографик метод адабий танқидчиликнинг етакчи йуналиши бўлиб, у танқидчи зиммасига алоҳида олинган ҳолда ёзувчини, шу билан бирга танқидчи, олим, йирик жамоат арбобини ўз даври ва муҳити билан уйғун ҳолда мукаммал ёритиш вазифасини қўяди. Жаҳон адабий танқидчилиги тарихида бу метод XIX асрнинг бошларидан эътиборан кенг тараққий эта бошлади. Тарихий-биографик метод борасида Ш.Сент-Бъёв, А.Веселовский, А.Моруа, М.Бахтин, М.Храпченко, Л.Тимофеев, В.Шкловский, И.Андронников сингари олимлар бой илмий-ижодий тажриба тўплаганлиги маълум. Бой меросга эга бўлган ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига назар солинса, унинг бу силсиладаги тажрибалари анча илгари ХУ асрлар ва ҳатто ундан ҳам олдин пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ далиллар мавжуд. Масалан, ўзбек адабиётшунослигида портрет йўсинидаги мақолалар XX асрнинг бошларидаёқ пайдо бўлди. Ибрат тахаллуси билан ижод этган Исҳоқхон тўранинг фаолияти ҳақида ёзилган ва 1908 йил “Туркистон вилоятининг газети”да босилган мақоласида Иброҳим Даврон унинг бутун Ўрта Осиёга машҳурлиги ҳақида фикр юритар экан, “Исҳоқхоннинг серқирра ижтимоий фаолияти билан бир қаторда адабий фаолиятига ҳам юқори баҳо бериб, умуман, ижодкор ҳақида маълумот беришнинг баъзи бир ўзига хосликлари ҳақида ҳам фикр юритар экан, Исҳоқхон тўра ҳақида газетада бу ёзаётганларимдан мақсадим, дейди Иброҳим Даврон, уни “элга танитмоқ ёки хушомад қилмоқ эмас”, балки “маданият ҳурмати учун”дир”[4,25]. Мақолада шоир ижоди ҳақидаги умумлаштирувчи маълумотлар берилганлиги боис уни дастлабки портрет-мақолалардан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари буюк инсонларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзиш келажак авлод учун ибрат намунаси эканлигини маърифатпарварлар чуқур англаган ҳолда ижод қилишган.

Портретга чизгилар – номидан ҳам маълумки, шоир ёки ёзувчи, олим ҳақида яхлит тасаввур уйғотмай, унинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар ёки ижодининг асосий босқичлари, энг асосий асарлари таҳлилига бағищланади. Уларга М.Қўшжоновнинг “Сайланма”сига кирган М.Шолохов, Ҳамза, Ш.Рашидов, Аскад Мухтор, Сайд Аҳмад каби ижодкорларга бағищланган ўндан ортиқ чизгилар киради, баъзан “адабий портрет” номи остида берилсада, улар ҳам портретга чизгилар доирасида қолиб кетади. М.Қўшжоновнинг И.Султон ҳақидаги асари бунга мисол бўла олади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, И.Султонга бағищлаб М.Қўшжонов аввал портретга чизгилар, кейин адабий портрет ёзган. Бундай хусусият кўпроқ О.Шарафиддинов ижодида учрайди. М.Юнусовнинг “Шокир Сулаймон” асари эса “ижодий портретга эскизлар” деб номланган. О.Сафаров ва Ҳ.Сафарованинг “Навоийга талпинган юрак” асари “Рахим Жўра ўғли Воҳидов ижодий сиймосига

чизгилар” деб номланган. Демак, бу чизгилар етук адабий портретлар яратишига асос бўла олиши билан қимматлидир.

Академик Б.Назаров ўзбек адабиётшунослигидағи бу янги йўналиш ҳақида шундай дейди: “Ёзувчи ижодини унинг шахсияти билан чамбарчас боғланишда текшириш сўнгги йиллар адабий танқидчилик ва адабиётшунослигимизда кўзга ташланаётган ижобий тенденциялардан биридир. Санъаткорнинг ҳаёт йўли, табиати, ёшлиги, қизиқишилари, орзуларини ўрганиш унинг асарларидаги маҳорат сирлари ва бадиий эстетик принципларини кўрсатишида бир очқич вазифасини ўтайди”. Шу жиҳатдан қараганда, “Илоҳий ИШҚ жозибаси” деб номланган профессор Н.Комиловнинг суратига чизгилар тасаввуфшунос олим ва унинг асарлари ҳақида ўкувчида илиқ таассурот уйфота олади.

Портрет характеридаги танқидий асарларни ёзувчи, танқидчи ижодхонасидан узоқдан туриб ёзиш мушқул. Замондош бўлмаган олимуму ижодкорларнинг адабий портретларини яратиш мумкин, аммо бунда шартли манбаларга, хотираларга таянишига тўғри келади. Том маънодаги танқидий портрет характеридаги асарлар ижодкор билан бир макону замонда, бир адабий муҳитда яратилса, табиий ва ҳаққоний чиқади. Олимнинг талабалик йилларининг гувоҳи бўлган муаллиф унинг буюк устозлар (академик В.Абдуллаев, профессорлар Б.Валихўжаев, Н.Шукуровлар) сабоfiga муносабати, зукколиги туфайли Қутбиддин эшон Муҳиддинов билан учрашуви ҳаётида муҳим роль ўйнаганлиги, кейинчалик эса Ғайбулла ас-Салом этагини тутиб, юксак чўққиларга интилгани ҳақида фикр юритиб, унинг сиймосини шундай чизади: “У ўта меҳнаткаш, тиниб-тинчимас ва ўзига ярашикли хоксор инсон. Унинг барча ютуқлари омили ана шу нуқтада десам, сира-сира янглишмайман. Меҳнатдан, ўз устида ишлаш, изланишдан ҳазар қилган кимсанинг нимагадир эришганини ҳали ҳеч ким эшитган ёхуд кўрган эмас. Ундейлар улуғ донишмандлар қуршовида вояга етган тақдирда ҳам пичноққа илинадиган бир нима ҳосил бўлмайди. Аникроғи илоҳий иноят, инсоний саъю ҳаракат бир ўзанга бирлашган жойдагина баракот ва муродга эришмоқ мумкин. Нажмиддиннинг босиб ўтаётган ибратли, мазмунли умр ўйли бунга ёрқин мисолдир” [3,9].

Ижодий портрет бўладими, портретга чизгилар бўладими, бундан қатъи назар тарихий-биографик ёндошувга асосланган муаллифнинг асосий мақсади “у ёки бу одамнинг образини абадийлаштириш”га ҳаракат қилиш ҳисобланади. Ўз вақтида Чернишевский инсоннинг “шаклланмаган” қиёфасидаги камчиликларни “тузатиш” учун мўлжалланган портретда санъатни кўр-кўrona субъектив тушунувчилар билан мунозара қилиб ёзган эди: “Портрет ҳаётдаги тирик одамнинг қирралари бизни қониқтирмаганлиги учун ёзилмайди, балки уни кўришга мусассар бўлмаган одамларга у ҳақда бир қанча тушунча бериш, бизнинг кўз ўнгимиздан кетган ҳаётдаги одам ҳақидаги хотираларимиз билан ёрдам бериш учун ёзилади”[6,100]. Шу билан бирга у инсонни англашнинг ўзига хос усули сифатида портретнинг ҳақиқий қимматга эга эканлигини ҳам таъкидлайди.

Шуниси эътиборлики, адабий портретда текширилаётган санъаткорнигина эмас, балки унинг ижодини таҳлил қилаётган танқидчининг ҳам ўзига хос қиёфаси бўй кўрсатиб туради. Профессор Р.Воҳидов ҳам қадрдан дўсти сингари илм фидойиларидан бири эди. Шу билан бирга қалами ўткир, ўзи айтмоқчи “маънавий жавоҳирларга бўлган юксак муҳаббат” унинг ҳам қалбини эгаллаган эди. Шу боис бўлса керак, у ҳам ҳар масалани синчковлик билан чукур ёритишга ҳаракат қиласи. Биргина Нажмиддин номи билан боғлиқ мулоҳазаларда буни кўриш мумкин, ишонарли манбаларга таяниб (м: “Фиёс ул-луғот”) шу билан бирга бадиий бўёқдорлик билан безаган ҳолда мулоҳаза юритади: “Нажмиддиннинг илмий кузатишларида таржима ва тасаввуф бир дараҳтнинг ҳосилдор икки бақувват таналаридай ҳамиша ёнма-ён туради. Олимнинг илмий фаолиятидаги айни эгазаклар бири иккинчисини табиий равишда тақозо қиласи” [3,37].

“Илоҳий ишқ жозибаси”ни ўқир экан, Н.Комилов сурати ва сийратига чизгилар ўқувчи кўз ўнгидан уни шундай:

1. Огаҳийга бағишлиланган номзодлик диссертацияси ва бошқа тадқиқотлари таҳлили орқали мумтоз адабиётнинг теран тадқиқотчиси;
2. “Қадимий санъат бу” рисоласи таҳлилида форс-тожик адабиётининг билимдони ва тадқиқотчиси;
3. “Ибн Сино ва Данте” таҳлили мисолида Шарқу Ғарб адабий-маданий алоқаларининг теран ва кенг қамровли, изчил ва мантиқий хулосалар муаллифи;
4. Фаридуддин Атторнинг “Илоҳийнома”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футуватномаи сultonий” ва бошқа таржималари ҳақидаги мулоҳазаларда етук тасаввуфшунос ва таржимашунос;
5. Хокисор, оддий, қалби пок, майдо-чуйдалардан йироқ, ҳақиқатпарвар, маънавий дунёси кенг инсон сифатида тасвирлайди.

Тадқиқотчининг “адабий-илмий ҳодисаларга заргарона муносабатини” чукур ўргангандан муаллиф дилига рўшинолик олиб кирган мақолалар ва рисолаларни атрофлича ўргангани ёрқин кўринади. Айниқса, “тасаввуф ва Шарқ фалсафаси ҳақида ёзиш улкан маънавий тайёргарликдан ташқари пок қалб ва пок қўлни ҳам тақозо” этиши ҳақида фикр юритар экан, олим шундай қатъий ва шафқатсиз хулосага келади: “Тилида тариқат каломи, қўли ҳаром мулк илинжида бўлган “олим” бугун-эрта ҳакамнинг мунособ жазосига мустаҳиқдир” [3,39]. Аммо айтилганлар жиҳатидан Н.Комилов умр йўлига разм солар экан, олим самимилик билан шундай ёзади: “...хоксорона, Сағбон кўчасининг муюлишидаги салобатдан холи ҳовлича. Унинг оддий ихчамгина дарвозачасидан ҳар куни катта қалбли, маънавий дунёси кенг олами Комил кириб чиқади...”

Унинг келажак авлодларга салмоқли, арзигулик маънавий ёдгорлик қолдириш бобидаги саъю ҳаракатларидан фахрланаман, ҳавас ила мусобақалашгим келади” .

Ҳақиқатан ҳам келажак авлод йирик олим, Ўзбекистонда кўзга кўринган тасаввуфшунос, навоийшунос Нажмиддин Комиловнинг теран ҳаёт йўли ҳақидаги ушбу мўъжаз китобча орқали, шу билан бирга унинг

замондошлари ёзган ва ёзаётган мақолалар, хотиралар, портретлар орқали илм фидойиси, илмни умрининг мазмуни ҳисоблаган инсонлардан бирининг умр йўлини ўрганади, уни англайди, унга эргашади, ундан ибрат олишга ҳаракат қиласди. Бу йўлда “Илоҳий ИШҚ жозибаси” унга ҳамроҳ бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқиди жанрлари. Тошкент. “Фан”, 2008.
2. Ахмедова Ш., Қодирова Н. Ёниқ қалб ҳарорати. Тошкент. 2012. 78 б.
3. Воҳидов Р. Илоҳий ишқ жозибаси. Самарқанд.”Зарафшон” нашриёти. 1997. 71-бет.(кейинги ўринларда шу китобнинг саҳифалари кўрсатилади).
4. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Т.: Фан .1979. 225 б.
5. Назаров Б., Расулов А, Ахмедова Ш., Қаҳрамонов К. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Дарслик. Тошкент. 21-31-бетлар.
6. Чернишевский. Н.Г. Москва. Эстетика. С.100.

XARAKTER EVOLYUTSIYASINING BADIY TALQINI

*Nasirov Azimidin Normamatovich,
SamDU professori, filologiya fanlari doktori*

Asrlar davomida shakllanib kelgan badiiy adabiyot “xarakterlar yaratish san’ati” ekanligini asoslab kelmoqda. Shu ma’noda, insonning turfa xil olamini badiiy talqin etish, ijodkordan katta mahoratni, iste’dodni talab etishi, tabiiy holdir.

O’zbek adabiyotining yetuk ijodkorlaridan biri Odil Yoqubovning turli mavzudagi asarlarida insonning murakkab xarakterini, uning betakror olamini talqin etish an’anasining badiiy ifodasini ko‘rish mumkin. Adibning “Oqqushlar, oppoq qushlar” romanida sotsial jamiyatning turli xislatlarini, ijtimoiy muhitning inson xarakteriga ta’sirini asosli talqin qilgan. «Shovvoz hech qachon xudojo’y bo‘lgan emas, mana, oltmishta yakinlashayapti hamki, namoz nimaligini bilmaydi. Shu boisdan Oysuluvning keyingi istagiga ichida kulib qo‘ya qoldi, birinchi tilagi, ya’ni –Tga tushib, katta doktorlarga ko‘rinish orzusi esa... sababi tirikchilik, qo‘li tegmasdi. Agar qo‘li tegib, poytaxtga olib tushgudek bo‘lsa yordam beradigan yorbirodarları topiladi. Uning frontchi do‘sti, bolalikda mana shu qishloqda oshiq o‘ynab voyaga yetgan og‘aynisi Rasul Nuriddinov o‘nlab kitoblar yozgan taniqli olim, poytaxtda boobro‘ odam. Shovvozning imoni komil, agar u yo‘qlab borgudek bo‘lsa, Rasuljon yordamini ayamaydi» [1,3-bet].

«Oqqushlar, oppoq qushlar» romanida voqelik tahlili davr ruhiyati talablaridan kelib chiqadi. Muallif xotira leytmotivi vositasida qahramon maslagini oydinlashtiradi. Biroq adib inson e’tiqodini uning axloqiga ziddiyat tug‘diradigan omil sifatida baholamaydi. Shu boisdan, san’atkor parchada tasvir o‘lchamini ikkinchi chiziqqa o‘tkazadi. «Oysuluvning keyingi istagi» Shorahim Shovvozning beozor kulgisi zalvoriga singib ketadi. Qishloq kishisiga xos soddalik, bag‘rikenglik va qudrat xarakter to‘laqonliligini ta’minlaydi. O‘z navbatida, iroda

MUNDARIJA

I. UMUMFILOLOGIK TADQIQOTLAR: TALQIN VA TAHLIL MUAMMOLARI

*Shu'ba raisi: f.f.f.d (PhD) dotsent Ne'matova Hulkar Abdulkakiyevna
Kotibi: JDPU o'qituvchisi Hamrayeva Gulmira Tilavna*

1. SHARIPOV SHAVKAT. Kirish so'zi	4
2. ÜYESI ERHAN GİRAY. Turkiyada o'zbek adabiyotining o'r ganilishi	5
3. VELİ SAVAŞ YELOK. Zamonaviy o'zbek adabiyotida "Boburnoma" asosida yaratilgan "Nuqta" va "Oy botgan pallada" tarixiy hikoyalari haqida qaydlar	9
4. ҚАХРАМОНОВ ҚУРДОШ, ЖАББОРОВА ДИЛАФРҮЗ. Умарали Норматовning мунаққидлик маҳорати	18
5. SABIRDINOV AKBAR. Romanda xarakterlar tasviriga doir	23
6. САЛОХИЙ ДИЛОРОМ. Алишер Навоийнинг сўз кўллаш маҳорати	28
7. PARDAYEVA ZULFIYA. Ikki asr oralig'i o'zbek roman chiligi: badiiy va ilmiy tafakkur masalalari	31
8. ҚЎЧҚОРОВА МАРҲАБО. Бугунги ўзбек бадиий публицистикаси ва унинг тараққиёт тамойиллари	38
9. QODIROV VALIJON. "Boburnoma"dagi ayrim sana va atoqli otlar berilishi yuzasidan mulohazalar	44
10. ДАВЛАТОВА АДИБА. Abdulla Oriпов ижодининг статистик ва психобиографик тадқиқи	46
11. АХМЕДОВА ШОИРА. "Илоҳий ишқ жозибаси" (Олим суратига чизгилар)	50
12. NASIROV AZIMIDIN. Xarakter evolyutsiyasining badiiy talqini	54
13. JO'RAYEVA BIBISH. Bu bo'ston sahnida gul ko'p, chaman ko'p	59
14. ФАЙЗУЛЛОЕВ БАХТИЁР. Замонавий шеъриятда қасида жанри тараққиёти	62
15. ТАДЖИБАЕВ МУСАЖАН. Бадиий тафаккур поэтикасида ностальгия ва бадиий тилнинг компаратив қирралари	70
16. ИБРАГИМОВА ФАЗИЛАТ. Faafur Gуломнинг тилдан фойдаланиш маҳорати масалалари	74
17. ХОДЖИМЕТОВА ДИЛОРОМ. Некоторые вопросы преподавания русского языка в неязыковых группах	77
18. MO'YDINOV QODIRJON. O'zbek tili sud nutqidagi ayrim frazeologizmlarning qo'llanishiga doir ba'zi mulohazalar	79
19. KARIMOVA YULDUZ. Bobur mirzo obrazi talqinida afsona va rivoyatlarning o'rni	81
20. SOYIPOV SUNATULLA . "Layli va Majnun" dostoni tilida forscha yasama sifatlarni qo'llanishi	84
21. JUMANIYOZOVA MUHABBAT. Xorazm vohasi maqollarida ayrim eskirgan va tarixiy lug'aviy birliklar xususida	88
22. XOLMURADOVA JAMILA. Xorazm dostonlarining leksik - semantik xususiyatlari	91